*Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen*

# Хабар

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan • 2001 yil, 23 fevral, juma № 8 (441) Sotuvda narxi erkin

## ЯНГИ УФҚЛАРНИ КЎЗЛАБ

**Бухоро вилоятида алоқа хизматини жаҳон талаблари даражасига етказиш йўлида катта ютуқларга эришилди. Мижозлар бугун Истиқлол неъматини соҳа мисолида аниқ сезиб туришибди. Бу ютуқлар нималарда кўринади? Янги – 2001 йилда яна қандай муаммолар ечимини кутиб турибди? Ана шу масалалар хусусида жамоатчи мухбиримиз «Бухоро Телеком» акциядорлик жамияти бош директори Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВ билан суҳбатлашди.**

***– Шариф ака, алоқа соҳасидаги ўзгаришларни вилоят мисолида гапириб берсангиз.***

– Энг аввало шуни айтиш керакки, 2000 йил давомида вилоят бўйича бир миллиард 500 миллион сўмлик электралоқа хизмати кўрсатилди. Бу 1999 йилга нисбатан 158 фоизга кўп демакдир. Шу жумладан, аҳолига хизмат кўрсатиш миқдори ҳам салкам икки баробарга, яъни 716,3 миллион сўмга оширилди. Ўтган икки йил ичида вилоятимиз бўйича телефонлар сони саккиз минг 811 тага кўпайиб, жами 91 минг 211 тага етган. Шунингдек, «Coscom» ва «Юнител» каби қўшма корхоналарнинг филиаллари ташкил этилиб ишга туширилдики, бу бир тарафдан республикамиз валюта захирасига фойда келтирса, иккинчидан одамларнинг ҳам дунё билан боғланишлари учун қулайлик яратади, албатта. Шубҳа йўқки, яқин келажакда жорий этиладиган замонавий радио телефонлар ҳам халқимизнинг маданий турмуш даражасини юксалтиришда муҳим ўрин тутади. Умуман кейинги йиллар иш натижалари анча салмоқли бўлганлигини вилоятимиздаги барча қишлоқ ва овуллар замонавий АТСлар билан таъминланганиёқ кўрсатиб турибди. Бухоро шаҳридаги Алоқа уйида рақамли шаҳарлараро автомат-телефон станцияси ўрнатилганлиги телефон хизматидаги уланиш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш имконини берди. Замонавий АТСларнинг умумий сиғими ҳозирги пайтда 85,0 минг рақамга тенгдир. Шаҳар ва туман марказларидаги ўз умрини ўтаб бўлган эски АТСлар Япония ва Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган замонавийлари билан алмаштирилган. Вилоят линияларидаги узунлиги 194 км. бўлган рақамли узаткич тизимлари оптик толали кабеллар билан алмаштирилди. Энди Бухоронинг исталган шаҳар ёки тумани билан етти рақами орқали бемалол боғланиш мумкин.

Жонажон юртимизда салкам ўн йил ичида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўриб, кишининг қалби завқ-шавққа тўлиши табиий. Собиқ Иттифоқ даврида фуқароларимиз айрим давлатларгагина телефон орқали чиқиш имконига эга эдилар. Бугунга келиб эса нафақат шаҳардаги, балки қишлоқ жойларидаги телефонлар орқали ҳам автоматик равишда жаҳоннинг исталган мамлакати билан бемалол боғланиш мумкин. Айниқса «ТОЕ» оптик толали кабель магистралининг қурилиб ишга туширилгани халқаро телефон сўзлашувларининг сифат даражасини янада оширди.

***– Давр талаблари даражасида кўрсатилаётган алоқа хизматларининг абонентлар билан ҳисоб-китоб ишларини эса компьютер технологиясисиз тасаввур этиш қийин...***

– Фикрингизни тушундим. Ҳозирги пайтда телефон хизмати ҳисоб-китобларининг барчаси компьютерлар зиммасига юклатилган. Биргина Бухоро шаҳрининг ўзида ана шундай олтита ҳисоб-китоб хоналари бор. Энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шаҳар марказий абонент пункти эса аҳоли учун ҳам, хизмат кўрсатувчи ходимлар учун ҳам катта қулайлик бўлди. Бу ерда телефон ҳақини тўлайман деб навбат кутиб қолганларни деярли учратмайсиз. Шаҳарлараро телефон станцияси коммутаторлари ҳам компьютерлар билан алмаштирилиб, ҳисоб-китоб ишлари тўлиқ автоматлаштирилган. Факс алоқаси ва электрон почта ҳам алоқа тизимини янада такомиллаштиришда қўл келяпти.

***– Келгуси режаларингиз? Шунинг баробарида мавжуд муаммолар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.***

– Бажонидил. XXI асрнинг дастлабки йили ва 2002 йил учун Япония ҳукуматининг навбатдаги узоқ муддатли кредити асосида яна беш миллион АҚШ доллари миқдорига яқин инвестиция киритилади. Бу вилоятимизнинг яна 24 та қишлоқ ва посёлкаларида жаҳон андозаларига мос рақамли электрон автоматик телефон станцияларини ўрнатиш имконини беради. Шунингдек, 1000 рақамли ҳамда барча қулайликларга эга бўлган радиотелефонларни ишга тушириш ҳам мўлжалланган. Шунда яна қўшимча равишда 10 мингдан ортиқ янги телефонлар ўрнатилади.

Бундан ташқари, вилоятимиз ҳудудида радиоэшиттиришларнинг симсиз узатилиши тўлиқ таъминланиб, бир йўла учала дастур эшиттиришларини ҳам эфирга беришга эришишимиз керак. Қишлоқлардаги телефон абонентлари учун шаҳарлараро сўзлашувлар тўла-тўкис автоматлаштирилади. Уяли телефонларни ривожлантиришга эътибор кучайтирилиб, қўшимча имкониятлар яратилади. Қишлоқ жойларида ҳам худди шаҳардаги сингари қўшимча ҳисоб-китоб пунктлари ташкил этилади.

Ҳозир олдимизда турган муаммоларнинг бири — деби-

***(Давоми 2-бетда.)***



**Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг Менежмент ва мониторинг бўлими раҳбари Раъно Жўраевна НУРИЛЛАЕВА салкам 40 йилдан буён алоқа соҳасида самарали меҳнат қилиб келяпти.**

***Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган***

## БОШҚАРУВДАГИ ЯНГИЛАНИШ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг мажлислар залида «Ўзбекистон почтаси» Давлат акционерлик компанияси акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси тўғрисидаги Қонуннинг амалга оширилиши ҳамда Почта алоқаси соҳаси тизимини такомиллаштириш борасидаги масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бош директор ўринбосари, «Ўзбекистон почтаси» ДАК Кузатув кенгаши раиси М. Маҳмудов, «Ўзбекистон почтаси» ДАК бош директори ўринбосари Т. Бажановалар маъруза қилдилар. Шунингдек, «Самарқанд почтаси» АЖ директори А. Ғаффоров, «Тошкент почтамти» АЖ директори Ю. Мирсоатов, «Хоразм почтаси» АЖ директори М. Полвонов ва «Алоқабанк» бошқаруви раиси К. Кимлар сўзга чиқишди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

***Р. БАРНОЕВ***

* * *

Юқоридаги масала юзасидан «Сирдарё почтаси» АЖнинг навбатдан ташқари конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Сирдарё давлат алоқа инспекцияси бошлиғи О. Худойбердиев маъруза қилди. Барча сўзга чиққанлар «Ўзбекистон почтаси» ДАК тизимини қайтадан кўриб чиқиш ва почта соҳасидаги давлат бошқарувида янгиланиш зарур эканлиги ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференцияда «Ўзбекистон почтаси» ДАК бош директори К. Раҳимов қатнашди ва берилган саволларга жавоб берди.

Анжуман якунида «Ўзбекистон почтаси» ДАК тизимини қайтадан тузиш маъқулланди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

***А. ҲОТАМОВ,***
***Сирдарё вилояти***

***• Таклиф***

## *МУАММОЛАР ЁРИТИБ ТУРИЛСА...*

«Хабар»нинг 2001 йил, 5, 12, 19 январ сонларидаги «Мобил телекоммуникациясининг учинчи авлоди» номли мақолани ўқиб жуда хурсанд бўлдим. Биз алоқачилар учун янги бир муаммо кенг ва чуқур ёритиб берилган. Мақола муаллифига барча алоқачилар номидан миннатдорчилик билдираман.

Мазкур мақола биз алоқачиларни кўп янгиликлардан хабардор қилди. Шу хусусда қисқача бўлсада фикр билдирмоқчиман.

Мобил алоқасининг амалдаги мавжуд тизимларидан учинчи авлод тизимларига ўтиш ишлари ривожланган мамлакатларда олиб борилаётган экан, демак, мақолада таъкидланганидек, мазкур тадбирларнинг меъёрий асоси ҳам тайёрланаётган бўлса керак. Шулар тўғрисида ҳам газета саҳифаларида мақолалар берилса жуда ажойиб иш бўларди.

***О. БОЙМИРЗАЕВ,***
***алоқачи-муҳандис,***
***Чирчиқ шаҳри***

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР**

**• Матбуотда «Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.**

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Оналар ва болалар» йили муносабати билан «Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

**• Россиядаги «Труд» газетасининг биринчи сони чоп этилганига 80 йил тўлди.**

• Францияда «Кичик Ларусс қомуси» номли китоб нашрдан чиқди. Китобда Ўзбекистон ва ўзбеклар ҳаётига бағишланган мақолалар ҳам бор.

**• Паришонхотирликда токиоликларга етадигани бўлмаса керак. Масалан, Токио полицияси ўтган йилда 1,56 миллион марта аҳолининг ўз буюмини йўқотиб қўйиши билан боғлиқ ҳодисани рўйхатга олди. Биргина унутиб қолдирилган нақд пулнинг миқдори 21 миллион АҚШ долларига тенг бўлди.**

• Колумбия ҳукумати ва сўл исёнчилар гуруҳлари вакиллари ўзаро ички қуролли можарони бартараф этиш мақсадида тинчлик музокараларини бошлади.

**«ХАБАР»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА**

• Республикамиз мустақиллигининг 10 йиллиги олдидан

# «COSCOM» БИЗГА ҚУВОНЧ УЛАШАДИ

**Республикамиз мустақилликка эришгач, бошқа соҳаларда бўлганидек, алоқа соҳасида ҳам қўшма корхоналар ташкил этилди. Ана шулардан бири «COSCOM» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасидир. Бу жамоа агентликдаги олтита уяли алоқа корхоналари орасида автоматик роуминг хизмати кўрсатиш бўйича олдинги ўринни эгаллайди.**

Кейинги пайтларда «халқ телефони» ҳақида кўп гапирилмоқда. Замонавий уяли алоқа компаниялари ва мобиль ускуналари ишлаб чиқарувчилар фаолияти кенг йўлга қўйилгани сари эса бу ғояни амалга ошириш имкони тобора кенгаймоқда. Ўз вақтида Форд ва Фольсквагеннинг «халқ автомобили» дастури ҳам худди шу тарзда ҳаётга татбиқ этилган эди.

«Халқ телефони» дастурини амалга оширишдаги асосий йўналишлардан бири унинг ҳар кимга тегишли бўлиши мумкинлиги билан изоҳланади. Негаки ҳар бир истеъмолчи энг аввало ўз ҳамёни хусусида қайғуради, харажатларини ҳисоб-китоб қилади, алоқа учун сарфламоқчи бўлган маблағлари эвазига максимум хизмат қилинишига эришиш йўлларини излайди. Бундан ташқари, истеъмолчи ўз телефонининг ҳар томонлама ҳимоя этилганига ҳам ишонч ҳосил қилмоғи лозим.

Маълумки, «COSCOM» компанияси Ўзбекистонда узоқ муддатга мўлжалланган мобиль алоқа тармоғини барпо этмоқда. «Салмоқли компания – салмоқли мижозлар учун» шиори асосида иш юритувчи қўшма корхонанинг бош мақсади барча тармоқларда юксак тарзда шаклланган сервис хизматини йўлга қўйишдир. Шу боис ҳатто энг чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли қатламларига ҳам юқори сифатли мобиль алоқа хизмати кўрсатилишига ва республиканинг жаҳон телекоммуникация ҳамжамияти билан интеграциялашувига катта эътибор берилмоқда. Зеро, «COSCOM» – Ўзбекистонда ягона халқаро автоматик роуминг хизматини кўрсатади, яъни абонентга ўз рақами бўйича алоқада қолгани ҳолда мамлакат ташқарисига чиқиш имкониятини беради. Яна бир қувонарли томони – бундай юқори технологик хизматлар ва улар ҳимояси маҳаллий мутахассислар томонидан амалга оширилмоқда. Ахир бундай хизмат фаолияти учун унинг ҳимоя тизими мукаммал тарзда ишлаб чиқилмоғи лозим.

Маълумки, GSM стандарти механизмида маълумотларнинг, яъни узатилаётган суҳбатнинг сир тутилиши таъминланади. Бундан ташқари, телефондаги суҳбат бегоналар томонидан тингланмаслиги учун у абонент дастагида қайта кодланади.

Дастлаб оддий хавфсизлик воситаси саналган SIM-картаси (Мазкур атаманинг сўзма-сўз таржимаси – Subscriber Module, яъни абонентни аниқлаш қурилмаси деган маънони билдиради) бугунги кунга келиб бозор анъанасига таъсир кўрсатадиган муҳим унсур бўлиб қолди. «COSCOM» ҳам унинг карталаридан фойдаланади.

GSM абонентига кўрсатилаётган хизмат турлари SIM карталари хотирасининг ҳажми билан белгиланади. SIM карталари авлоди янгилангани сайин эса уларнинг хотира ҳажми ва ҳимоя имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Бу, албатта, абонентларнинг ҳар томонлама ҳимояланишига бўлган эҳтиёжи натижасидир. Ҳар бир уяли алоқа компанияси эса ушбу SIM карталари турини алоқа хавфсизлиги тўғрисидаги ўз тасаввурларидан келиб чиқиб танлаб олганлар. Бу борада шу нарсани қувонч билан таъкидлаш мумкинки, «COSCOM» компаниясининг SIM карталари ҳимоянинг энг мукаммал A3-A8 ҳимоя воситасига эга бўлиб, у карталардан рухсатсиз фойдаланишга мутлақо чек қўяди.

Бугунги кунда кенг тарқалган хакерликлардан бири текин қўнғироқ қилишдир. Бу иш билан машғул «уддабурон»лар уяли телефонларни клонлаш, яъни нусхалаш йўлидан фойдаланадилар. AMPS телефонлари даврида бундай хакерлик оддий ҳодисага айланган бўлиб, уяли телефон компаниялари уларга қарши курашишга ожизлик қиларди. Шундай қилиб хакерлар узоқ йиллар давомида ҳақ тўловчи абонентнинг рақамига уланган мобиль телефонларни сотиш орқали фойда олиб келдилар. Одамларнинг кутилмаганда «емаган сомсага пул тўлаш»ларини тасаввур қилиш қийин эмас.

«COSCOM» компанияси учламчи назоратни амалга оширувчи ўта ишончли тизимга эгадир. БИЛАЙН, шунингдек, бир қатор хорижлик GSM операторлари каби жаҳон уяли алоқасининг таниқли намояндалари ана шу тизимдан унумли фойдаланмоқда. Бу тизимнинг устунлиги шундаки, у ходим томонидан хизмат турининг бирон-бир даражасида абонент ҳақига хиёнат қилинишига йўл қўймайди.

Хуллас, юқорида таъкидланган тизимлар абонент счётининг тўғрилигини, суҳбатининг махфийлигини, ҳудудлар бўйлаб максимал даражадаги эркин ҳаракатини таъминлаш билан бирга, уларга дунёнинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган халқаро автоматик роумингдек нодир хизматдан фойдаланиш имконини ҳам беради. Бу эса «COSCOM» компанияси томонидан тавсия этилаётган GSM стандарти ҳақиқатан жаҳон талаблари даражасида эканлигини яна бир карра тасдиқлайди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида истиқомат қилувчи мобиль абонентларнинг ўз уяли телефонлари билан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Наманган, Гулистон, Жиззах, Янгийўл, Чирчиқ, Навоий, Зарафшон шаҳарларидаги «COSCOM» компанияси ҳаракат зонасига кириши мумкинлиги эса ҳаммамизни бирдек қувонтиради, албатта.

***Иззат АҲМЕДОВ***

# ЗИЁЛИЛАР ХОНАДОНИ



«Фарғона почтаси» акциядорлик жамияти ходимлари орасида Ҳамид Ҳабиловни танимайдиган одам йўқ. Аммо улар жамоа қувонч-ташвишлари билан яшайдиган, истараси иссиқ, қувноқ-ҳазилкаш бу инсоннинг бугун 60 ёшни қоралаётганига ишонишмайди. Чунки Ҳамид ака ҳалиҳануз серғайрат, бардам. Ҳ. Ҳабилов 1980 йилдан 1987 йилгача маданият соҳасида, Матбуот уюшмасида, Китоблар уйида раҳбарлик вазифаларида ишлади. 1991 йилдан бошлаб «Фарғона почтамти» бошлиғининг ўринбосари вазифасида хизмат қилмоқда. Ҳамкасблари унинг ташкилотчилиги, ҳалоллиги ва одамийлигини қадрлашади. Ҳамид Ҳабилов вилоятда ўтказиб келинаётган «Соғлом авлод», «Намунали оила», «Спартакиада» каби тадбирларда ҳамиша фаоллар сафида бўлишни одат қилган.

– Оиламизда ҳамма олий маълумотли, – дейди Ҳамид ака биз билан суҳбатда. – Рафиқам билан институтда бирга таълим олганмиз. Фарзандларимиз – Равшан, Абдурашид, Умиджон ва Насибахонлар ҳам ўқиб, олий маълумотли мутахассис бўлишди.

Маҳаллада Ҳабиловлар оиласи алоҳида ҳурматга сазовор. У иштирок этган тўй-тўлқинларнинг файзи, шукуҳи ўзгача бўлади. Саккиз нафар невара эса ҳамиша бобожон ва бувижонининг қувончига қувонч қўшади.

Ҳамид аканинг фарзандлари Умиджон ва Равшанжонлар ҳам ота изидан бориб Фарғона вилоятида алоқа соҳасининг бошқарув идораларида ишламоқда. Қолаверса, у етиштирган, раҳнамолик қилган кўплаб шогирдлар Ҳамид ака учун катта суянч. Биз «Фарғона почтаси» акциядорлик жамиятининг барча аъзолари номидан Ҳамид Ҳабиловни муборак 60 ёши билан чин юракдан табриклаб, унга сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақият ва хонадонига қут-барака тилаймиз!

***Усмонали ИСКАНДАРОВ,***
***Фарғона вилояти***

# ЯНГИ УФҚЛАРНИ КЎЗЛАБ

(Боши 1-бетда.)

торлик қарзлари миқдорининг камаймаётганлигидир. Тумандардаги баъзи бир хўжаликларнинг эътиборсизлиги туфайли телефон хизмати ҳақи ўз вақтида тўланмаяпти. Бу эса олинган кредит қарзларини ўз муддатида узиш борасида қатор қийинчиликлар туғдирмоқда. Аммо бу муаммоларни бартараф этиш учун тинимсиз изланяпмиз, зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқарилмоқда. Қатор иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан аҳолининг айрим тоифалари учун белгиланган имтиёзларга қатъий риоя қиляпмиз.

***– Айтинг-чи, акциядорлик жамияти ишчи-ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилган?***

– Бу масала доимий диққат-эътиборимизда. Кейинги бир ярим йил ичида ходимларимизнинг ўртача ойлик маоши 4-5 баробарга оширилгани бунинг исботи. Акциядорлик жамиятимизда ишлаб келаётган бир минг 200 кишининг 400 нафари хотин-қизлардан иборат эканлиги ҳисобга олиниб, «Оналар ва болалар» йилида махсус дастур асосида аёлларга бир қатор имтиёзлар яратилди.

***– Яқинда Бухоро шаҳридаги 1-Ширбуддин сайлов округидан Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашига депутат қилиб сайланганлигингизни эшитиб, хурсанд бўлдик. Балки ўз сайловчиларингизга айтадиган сўзларингиз бордир.***

– Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига йўллаган янги йил табриги барча юртдошларимиз қатори менга ҳам янада зўр куч-ғайрат бағишлади. «Биз тарих берган ноёб имкониятдан фойдаланиб, ўз ҳаётимизни, ўз тақдиримизни қўлга олдик, ўзлигимизни англадик. Ўз кучимиз ва қудратимизга ишониб, халқимизнинг олижаноб фазилатлари, сабр-матонати, фидокорона меҳнати туфайли қисқа даврда шу асрнинг охирги ўн йиллигида келажагимиз ва бахт-саодатимиз пойдеворини барпо этдик, янги асрга озод халқ, эркин миллат бўлиб ёруғ юз билан кириб бормоқдамиз», дейди Юртбошимиз. Унинг бундай пурмаъно сўзлари ҳар биримизни эл-юрт манфаати, халқ бахт-саодати йўлида янги уфқларни кўзлаб иш олиб боришга сафарбар этади, деб ўйлайман. Ана шу сафарбарлик мамлакатимиз ва миллатимиз равнақи йўлида ҳормай-толмай иш олиб бораётган барча кишиларга доимий ҳамроҳ бўлишини жуда-жуда истардим.

***А. ИСТАМОВ***
***суҳбатлашди***

# ЯНГИ АЛОҚА ТУРИ

Гулистон шаҳрида республикада биринчи бўлиб хусусий Пейжинг компанияси иш бошлади. «Зулҳаё» хусусий пейжинг компаниясининг очилишида вилоят ва Гулистон шаҳар ҳокимликларидан ҳамда вилоят тадбиркорлар палатасидан вакиллар қатнашди. Ҳозир Россиянинг КСС компанияси ҳамкорлигида Американинг «Моторола» компаниясидан келтирилаётган алоқа қурилмалари икки минг рақамга мўлжалланган бўлиб, 50-60 км. радиусда фаолият кўрсата олади. Бу Сирдарё вилоятининг энг чекка туманлари билан ҳам ҳаво орқали боғланиш имкониятини яратади. Компания менежери Абдуваҳоб Ниғматов корхонанинг илк режалари ҳақида қуйидагиларни баён қилди:

– Пейжинг алоқаси Сирдарё вилоятида янги технологияга асосланган алоқа тури бўлиб, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беради. Аҳоли ва корхоналарнинг алоқа хизматига бўлган эҳтиёжини қондириш, айниқса симли алоқа бўлмаган қишлоқ жойларида алоқанинг бу турини ривожлантиришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Шу йил охиригача 1500 абонентга хизмат кўрсатишни режалаштирдик. Бу ишларни амалга оширишимизда ўзларининг беминнат ёрдамларини аямаётган вилоят департаменти ва вилоят тадбиркорлар палатасига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

***Абдуғафур ҲОТАМОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз***


# ЭЪЛОН!

«ХАБАР» газетаси ўз саҳифаларида корхона ҳамда ташкилотлар, хусусий фирмалар фаолиятига оид эълон ва рекламаларни, шунингдек, туғилган кун, никоҳ тўйи муносабати билан табрик-қутловларни, олди-сотди билан боғлиқ турли хил хусусий эълонларни чоп этишини маълум қилади.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**144-29-09, 136-36-42, 136-35-29.**

***Бизнинг манзилимиз:*** Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 1-уй, Тошкент Бош почтамти, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги биноси, 4-қават, 401, 402-хоналар.



## ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Кафедра мудирлари:**

Фалсафа;
Эҳтимоллар назарияси ва статистика;
Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти;
Чет тиллар;
Менежмент ва маркетинг;
Физика;
Телематика тизимлари;
Иқтисодиёт назарияси;
Ўзбекистон тарихи;
Телевидение ва радиоэшиттириш;
Алоқа линиялари ва транспорт тармоқлари.

Аризалар эълон чоп этилгандан кейин бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Танловда кўрсатилган мутахассисликлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари қатнашишлари мумкин.

**ИНСТИТУТ МАНЗИЛИ:**
**Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 108-уй.**
**Тел: 35-11-50.**


## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Жиззах Телеком» шўъба корхонаси ва касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари корхонанинг Бахмал филиали иқтисодчиси **Абдурасул БОШМОНОВ**ни ва шу корхона электромеханиги **Ботир ЗУҲУРОВ**ларни таваллуд кунлари билан самимий қутлайди. Уларга мустаҳкам соғлик, ишларида доимо омад тилайди.

* * *

«Самарқанд Телеком» шўъба корхонаси жамоаси «Ўзбектелеком интернейшнл» АЖ Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонасининг ходимлар бўйича менежери **Римма ҲИДОЯТОВА**ни туғилган куни билан муборакбод этади. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, алоқа соҳасидаги ишларида зафарлар тилаб қолади.

* * *

«Сурхондарё почтаси» акциядорлик жамияти жамоаси корхона директори **Абдурашид Ҳусанович ТЎРАҚУЛОВ**ни туғилган куни билан табриклайди. Унга оилавий бахт-саодат, келгуси ишларида омад тилайди.

## ЭР РОЗИ – ХУДО РОЗИ

Кунларнинг бирида Биби Фотима онамиз пайғамбаримизнинг ҳузурларига келиб, уйларида бўлиб ўтган воқеани баён этибдилар:

– Отажон, иттифоқо, куёвингиз Алига қалтисроқ ҳазил қилиб, ранжитиб қўйдим. Кейин бу ишимдан пушаймон бўлдим-да, атрофида етмиш марта айланиб кечирим сўрадим. Ахийри у табассум қилиб кечирди.

– Оҳ, қизим Фотима, – дебдилар шунда сарвари олам. – Агар эринг сени кечирмасдан туриб ўлиб қолсанг, гарчи менинг қизим бўлсанг ҳам, сенга жоназа ўқилмас эди.

Ушбу бебаҳо ҳикматнинг мағзини сингилларимиз, қизларимиз англаяптилармикин?..

## ЎҒРИНИНГ ИХЛОСИ

Отамнинг ҳикоя қилишларича, маҳалламиздаги бир неча бойлар ҳаж зиёратидан қайтаётганларида бир қароқчи уларнинг йўлини тўсиб, тинтув қилгач, арзигулик бирор нарса тополмай дарғазаб бўлибди. Шунда ҳожилардан бири таваккал унга илтимос қилибди:

– Эй, йигит, Оллоҳ умрингни зиёда қилсин. Биз ниҳоятда чарчаб-ҳоридик. Бунинг устига оч ва ташнамиз. Иложи бўлса бизга озгина сув топиб бер. Чанқоғимизни қондирайлик. Иншооллоҳ, савобга дахлдор бўлурсан.

Бу сўзлардан сўнг йўлтўсарнинг кўнглини яратганнинг ўзи юмшатиб, ҳожиларни яқин орадаги қўрғонига бошлабди. Салқин супага жой қилиб, дастурхон ёзиб, топган-тутганини қўйибди-да, кампир онасининг ҳай-ҳайлашига қарамай бисотидаги биттаю битта эчкини сўйибди.

– Ҳожиларнинг дуосини олайлик, она, – дебди қароқчи ўғил. – Шояд Худо битта эчкимизнинг ўрнига ўнтасини берса...

Ҳақиқатдан ҳам қароқчи йигит ихлосидан бойлик топган бўлса ажаб эмас. Валлоҳу аълам биссавоб...

## НИЯТИГА ЯРАША МУКОФОТ

Ривоят қилишларича, жудаям қашшоқ чол билан кампир бўлган экан. Бир куни улар одатдагидек кечки пайт ўз кулбаларида, қора чироқ ёруғида ҳасратлашиб ўлтиришарди.

– Қани энди бир мўъжиза юз берсаю биз ҳам бирон нималик бўлиб қолсак, – дебди кампир. Шу пайт ҳақиқатда мўъжиза юз бериб, кулбанинг шифтида бир соя пайдо бўлибди.

– Учта тилак тиланглар, бажараман, – дебди соя.

– Бир қаричгина қази топиб берсанг, еб нафсимиз ором оларди, – дебди шошиб қолган кампир.

Шу ондаёқ чол билан кампир олдида тақсимчада қази пайдо бўлибди.

– Эй, нафсинг қурғур, назари паст кампир, – дебди чол. – Келиб-келиб шу арзимас нарсани сўрадингми?! Илоё, шу қази бурнингга ёпишиб қолсин!

У шундай дейиши билан қази кампирнинг бурнига ёпишиб қолибди.

– Эй, соя, бурнимни қазидан халос эт, – дея ялина бошлабди энди кампир.

Соя унинг илтимосини бажо келтирибди. Шундай қилиб, чол билан кампирнинг учта тилаги бажарилиб, улар яна ўша-ўша қашшоқлигича қолаверибдилар.

Ҳар қандай вазиятда ҳам ниятни яхши қилиш керак эканда. Зеро, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта омин дейди, деганлари бежиз эмас. Ё раббим... Ўзинг кечир бизларни...

## ЭШАККА МИНГАН ЎРТОҚ

Бир бола отасига мақтанибди:

– Дада, янги ўртоқ топиб олдим. Жуда яхши бола экан. У билан қалин дўст бўлиб қолдик. Топганимизни ўртада бўлиб еймиз.

У бир неча марта қувониб шундай деяверганидан кейин отаси:

– Ўртоғингни эшакка миндириб, синаб кўр, – дебди.

Отасининг чизган чизиғидан чиқмайдиган ўғил миниб юриш учун ўзининг эшагини ўртоғига берибди.

Буни қарангки, янги ўртоқ эшакка минибди-ю, ўша кунидан эътиборан тамомила ўзгарибди-қолибди. Ўртоқларини менсимай қўйибди. Ҳаммага иш буюрадиган, ақл ўргатадиган бўлиб қолибди.

– Гапингиз тўғри экан, – дебди ҳалиги бола отасига. – Ўртоғим эшакка миндию айниб қолди.

– Мана, кўрдингми, ўғлим. Демак, от минса у бундан ҳам баттар айниб қолар экан.

Қиссадан ҳисса шулким, ҳеч бир бандаи мўъмин ердан ажралмасин экан. Ердан ажралса элдан ҳам ажралар экан. Амир Темур бобомиз ҳам «от минган отасини танимас», – деб бежиз айтмаган эканлар.

## ТАБИБНИНГ ВАСИЯТИ

Қадим замонларда бир камбағал табиб ўтган экан. Ёшини яшаб, ошини ошаб, қазойи муаллақ яқин қолганида биттаю битта ўғлини ҳузурига чорлаб:

– Ўғлим, мендан сенга ҳеч қандай молу дунё қолмайди. Яккаю ягона мерос – мана бу хат, – дебдию букланган қоғозни унга тутқазибди. – Бунда ҳикматли сўз ёзилган. Мени дафн этиб бўлиб, гўримни тепасида шуни ким ошди баҳосида сотасан. Шояд шу билан ишинг юришиб кетса...

Ўғли отасининг айтганини қилибди. Хатни ким ошди баҳосида сотиб олган бадавлат одам уни очиб ўқиса: «Бошингни совуқ тут, оёғингни иссиқ тут», – деган сўзлар ёзилган экан.

*Азиз АБДУРАЗЗОҚ*



**Макон жой танламас.**

*Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган*

## ТЕША ТЕГМАГАН ГАПЛАР

Комедияси роса кулги бўлди.

* * *

Янги фильмни эски қадрдонларидек қабул қиладилар.

* * *

Ишлаб чиқариш корхонасида маҳсулот ўрнига ҳордиқ чиқаришади.

* * *

Икки букилиб таъзим қилиб юрарди, нафақага чиққач, қадди тик бўлиб қолди.

* * *

Ёлғон гапни шу қадар астойдил гапирардики, ўзи ҳам чиппа-чин ишониб кетарди.

* * *

Маълумоти – олий, тарбияси – ибтидоий.

* * *

Иссиқ қирқ даражага чиқишини эшитиб эти жунжикиб кетди.

* * *

Меҳмондўст бўлса ҳам калласига ҳеч нарса келмасди.

* * *

Ўз-ўзини алдаш ҳам ўз-ўзига хизмат қилишга кирадими?

* * *

Қимматга тушгани билан сариқ чақага арзимайди.

* * *

Шуҳратнинг кетидан қувмасанг унинг ўзи олдингга келади.

* * *

Калласида ҳеч гап йўқлигидан бошини кўтаролмай қолди.

*• Бу – қизиқ!*

## ДАСТУРХОН БУРЧАГИ

Агар эътибор қилган бўлсангиз, уйланмаган йигитларнинг дастурхон бурчагига ўтиришига рухсат беришмайди. «Етти йил бўйдоқ юрасан», деб танбеҳ ҳам бериб қўйишади. Нима учун айнан дастурхон четига, нима учун айнан йигит кишига ва нима учун етти йилга алоҳида урғу берилялти?

Дастурхон бурчаги дастурхоннинг тугаши бўлганлиги учун ризқнинг тугаши ҳисобланади.

Етти рақами эса муқаддас рақам. Шунинг учун ҳам бўйдоқлик етти билан қўрқитиб қўйилар балки. Қолаверса, авваллари балоғатга етгандан кейин етти йил муддатгача уйланмай юриш мумкин эмас эди. Бунинг физиологик асослари ҳам бор, албатта.

Бўйдоқлик сўзи эса фақат йигит кишига нисбатан ишлатилади. Демак, уйланмай юриш айби ҳам йигит шаънига айтилади, холос. Чунки, қизга оғиз солиш йигитларга Одам Атодан мерос. Биринчи сўз айтиш ҳам эркак зиммасида. Хуллас, бу ирим замирида яна қандай ҳақиқатлар бор – билмадигу, аммо уни ўзига хос танбеҳ, уйланишга даъват деб ҳам қабул қилиш мумкин.

*• Ажаб дунё*

### ҚИММАТБАҲО СКРИПКА

Италиянинг Кремона шаҳри атоқли уста Андрео Амати бундан 400 йил муқаддам ясаган скрипкалардан бирига эга бўлиб қолди. Бу скрипка 1556 йили Франция қироли Карл IX нинг буйруғига биноан ясалган 24 та асбобнинг биридир. Кремона шаҳри уни Нью-Йорк скрипкачилари жамиятидан 25 минг долларга сотиб олди. (Қирол Карл IXга тайёрлаб берилган скрипкалардан яна учтаси топилган). Энг қимматбаҳо мулк тариқасида шаҳар бошқармасининг идорасига қўйилган скрипка тагида эса «Башарти, Италиянинг ва бошқа мамлакатларнинг энг яхши скрипкачилари Кремона шаҳридан ўтиб қолсалар, шу асбобни чалишларига рухсат этилади», деган ёзув бор.

### НАЖОТКОР КОПТОК

Швецияда сувга чўкаётган одамларни қутқариш учун кичкинагина копток ихтиро қилинди. У сувга ташланса, уч секунддан кейин ичи газга тўлиб, нажоткорга айланади. Бу копток одамни бир неча соат давомида сув юзасида тутиб туриши мумкин.

### БОҒБОНЛАР УЧУН ЯНГИ МАШИНА

Германияда мева узиш учун учта кўчма саватчаси бўлган гидравлик кўтаргич яратилган. Саватчаларни пастга ёки баландга қўзғаш учун педални босиш кифоя. Унга енгил автомобил двигатели ўрнатилган.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Таҳририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-2139.
9353 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
Газета «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси компьютерида терилди ва чоп этилди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6